

Г'АЛАВА

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА



Газета 1932 йилдан чиқа бошлаган / ISSN 2010-5746 / galaba24.uz / @galaba24 / № 13 (6834) / 2022 йил 30 май / душанба

РИЗҚ-РЎЗИМИЗ БУТУН БЎЛСИН!

Бу йил туман гал-лакортлари 6966 гектар ер майдонида бугдой парваришлади. Галдаги вазифа – етиштирилган мўл ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиб олиб, 20853 тонна давлат режасини бажаришдир. Бунга мутасаддилар томонидан пухта ҳозирлик қўрилди. Галла йиғимида иштирок этувчи 29 ўрим комбайни, 166 юк ташувчи автомобиллар ёнғин хавфсизлиги бўйича техник кўриқдан ўтказилиб, аниқланган носозликлар бартараф этилди. Шунингдек, ёнғинга қарши воситалар билан таъминланди.

Галла мавсумини тез ва соз ўтказиш учун 29 та отряд тузилди ва тумanning масъул раҳбарлар бириктирилди.

Аҳоли, мавсумда иштирок этувчи ходимлар ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидалари-

га риоя этиш юзасидан тарғибот тадбирларини ўтказдик. Ҳар эҳтимолга қарши ёнғин хавфсизлиги чоралари қўрилди. Ўрим майдонлари яқинида навбатчиликни ташкил этиш, комбайн, трактор ва бошқа транспортларга махсус автоуловлардан ёқилғи қуйиш, тунги пайтларда ёқилғи қуйишни чеклаш каби ёнғиннинг олдини олувчи ҳолатларга риоя этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Галла мавсуми мобайнида комбайнларнинг узлуксиз ишлаши учун ҳам 4 ёнилғи қуйиш шаҳобчаси ва 4 та газ қуйиш шаҳобчаси уларнинг хизматида бўлади.

Йил бўйи қилинган меҳнатнинг самараси-сифатли ва мўл дон йиғиб олиш ҳар биримизга катта масъулият ва шараф юклайди. Зеро, мўл ҳосил, сара дон - юртимиз ризқининг бутунлигини таъминлайди.

Акмалжон ҚИРҒИЗОВ,
туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи.

Галла - 2022



Нигоҳларида қувонч порлаган, қадамлари шахдам, жажжи ўғлон! Бугун руҳиятингда Алпомишлар, Рустам полвонларнинг шижоти уйғонган. Теран боқишларингда туғилиб ўсган заминга, сени бахтга ёр этиб камолга етказётган ота маконинг, пойингга гуллар тўшаган она тупроғингга, садоқат сезаман. Сенинг пешонангга озод ва обод юртда туғилиш, яшаш бахти ёзилган.

Жамалак соч, қуралай кўз, ақли-ю донолиги, гўзаллиги ва латофати билан ажралиб турган! Ҳаё ва ибод, одоб ва андиша либосини кийганинг учун ҳам жуда қадрлисан, ардоқлисан. Барчаноилар шиддати, Кумушбиблар вафо ва

ҚАЛБИНГИЗДА ҚУЁШ УЙҒОНСИН



садоқатини сийнатингда кўраман.

Бахтли мамлакатнинг бахтга ёр фарзандлари, дилбандлари. Қаранг осмонимиз мусаффо, тинч ва осойишта ҳаёт бағрида орзулар сари қадам ташламоқдамиз. Сизнинг келажагингиз порлоқ бўлиши учун яратилган имкониятларни санаб адоғига етолмайсиз. Саломатлигингиз муҳофазаси, боғча, мактаб, академик лицей, коллежларда бепул

1 июнь - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



таълим олишингиз, спорт билан шуғулланишингиз, фан, таълим, маданият қошоналарида истеъдодингизни ривожлантиришингиз учун барча шарт-шароитлар муҳайё.

Бундай болажон юрт, бағрикенг ўлка яна қайда бор? Дунёнинг қайсидир бурчакларида тенгдошингиз ўқларнинг овозидан юраги зада бўлиб улғаймоқда. Мактабларга сиз каби тинч ва соғ-саломат бориб келолмайди. Яна қайсидир юртда болалар саводсиз, қорни оч ва юпун ҳаёт кечирмоқдалар. Бир қултум тоза ичимлик сувига, бир бурда нонга муҳтож болалар тонгни йиғлаб-сиқтаб қарши олмақдалар.



НОН АЗИЗ

Азиз қилиб синдириб бер,
Таъмини тот ўзинг.
Азизлиги ҳаммадан ҳам
Сенга аён момо.

Хирмон тўлиб тўкилди дон
Тўкилди дон момо,
Тандир тўлиб ёпилди нон
Ёпилди нон момо.

Юрагимдай кафтимда у
Иссиқ оташ мисол.
У меҳрингни, меҳнатингни
Қилар аён момо.

Даламизни тутди бирдан
Хушбўй ҳиди бирам,
Бошим айланди бўйидан,
Эй меҳрибон момо.

Туроб ТўЛА.



Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 63-моддасидан.)

ОИЛА - ТОТУВЛИКДА, ОҚИБАТ - МЕХР-МУҲАББАТДА



Оиланинг бунёд бўлишида икки ёшга мустаҳкам ва тотув ҳаёт, бахт-саодатда қўша қаришлик тиланади. Албатта, бу тилак турмуш қураётган ёшларда мустаҳкам бўлса, улар ўзларини ҳам, ота-оналарини ҳам бахтли қилишади. Зеро,

ота-она фарзандлари бахтдан тинсагина ўзларини хотиржам ва саодатли ҳис қилишади.

Туманимизда оилавий ажримларнинг олдини олиш бўйича маҳалла фуқаролар йиғинларида «Менинг маҳаллада ажрим бўлмаслиги ке-

рак!» шиори остида ҳафтанинг жума кунлари – Оилаларни мустаҳкамлаш кун, деб эълон қилинган. «Қайноналар кенгаши» жамоатчилик тузилмаси, ҳудудда истиқомат қилаётган намунали оилалар, обрў-этиборли, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган зиёли, кайвони онахонлар, бошқаларга тарбиявий таъсир қила оладиган фаоллар ҳамда ФХДЁ бўлимлари иштирокида ўтказилаётган «Ота-оналар университети», «Оиланинг ҳуқуқи ва мажбурияти», «Репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш асослари» мавзусидаги тарғибот тадбирлари ва машғулотларга жалб этилмоқда.

Туман қишлоқ ҳўжалиги бўлимининг фаоллар залида ажралиш ёқасига келиб қолган оилалар билан яраштириш ишларини олиб бориш, низоли оилаларнинг ажрим ҳолатини ўрганиш борасида Избоскан



Очиқ мулоқот

туманлараро судяси А. Джалилов раислигида сайёр суд очиқ мулоқоти ўтказилди. Йиғилишни туман ҳокимининг ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи М. Ҳожиматова олиб борди.

Фуқаролик ишлари бўйича Избоскан туманлараро судига 86 та оилалар ажрим учун ариза берган. Уларнинг сабаблари ни ўрганиш учун индивидуал суҳбатлар олиб борилди. Албатта томонларнинг талаблари ва келишмовчиликларнинг сабаблари суриштирилиб, ечим топишга ҳаракат қилинди.

Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилояти Избоскан туманлараро судяси А. Джалилов, туман бош отинийси С.Самадова, туман «Ғалаба» газетаси бош муҳаррири Ш. Каримова йиғилишда иштирок этиб оилавий ажримга ариза берган ёш оилаларга маслаҳатлар берди, йўл-йўриқлар кўрсатишди.

Шу кун оилавий ажрим учун виллоят ҳамда туманлараро судларига ариза топшир-

ган Маллачек, Марказ, Қўл, Яккатол, Зулфиқор маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёш оилаларга оила муқаддаслиги, намунали оилалар ҳаёти, ажралишларнинг салбий оқибатлари, фарзанд тарбияси, эр-хотин муносабатларида ўзаро ҳам-жихатлик ҳақида айтиб ўтилди. Суҳбатлар натижасида ушбу оилалар муроасага келтирилди.

Албатта, суҳбат ва маслаҳатларнинг самарасини мустаҳкамлаш учун ҳам бу оилаларга маҳалланинг фаоллари, кўпни кўрган, тажрибали, ибратли хонадон бошлиқлари бириктирилди. Улар ёш оилаларнинг турмуш тарзини кузатиб, керакли кўмаklarини бериб боришади.

Тинч-тотув оилалар қанча кўп бўлса, маҳалланинг фаровонлиги ошади. Ахир, барака ҳам осойишта жойда бўладида.

М. ҲОЖИМАТОВА,
туман ҳокимининг
ўринбосари, оила ва
хотин-қизлар бўлими
бошлиғи.

АМАЛДА - КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР

Маълумки, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати-Ўзбекистон Либерал демократик партияси томонидан бош қомусимизга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклифи илгари сурилди. Тузилган ишчи гуруҳлар иштирокида жойларда «Конституциявий ислохотлар» мавзусида тадбирлар ташкил этилмоқда.



Тадбир

Туманда ўтказилган тадбирда-Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати-Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши раиси Х.Халилова, партия вилоят кенгаши аппарат раҳбари Х.Хасанхонов, партия вилоят кенгашининг масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг ёрдамчиси Г.Абдувоситова, тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари, Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, тадбиркор ва фермерлардан иборат 75 нафар иштирокчилар қатнашдилар.

Тадбирни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати-Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши раиси Х.Халилова кириш сўзи билан очиб, бугунги тадбирнинг мазмун-моҳияти тўғрисида маълумот бериб ўтди.

У сўзида бугунги тадбир ниҳоятда долзарб, Янги Ўзбекистонни бунёд этишга қаратилган ислохотлар тақдирини белгилаб берувчи ўта муҳим масалага бағишланганлигини, ҳаммамиз

ва ҳар биримизга жуда катта масъулият юклайдиган мазкур масала муҳокама-сида алоҳида фаоллик ва жонбозлик кўрсатишимиз зарурлигини айтиб ўтди.

Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари бошчилигида барча соҳаларда, айниқса, сиёсий-ижтимоий жараёнларда амалга оширилаётган изчил ислохотларни янада жадаллаштириш лозимлиги баробарида конституция такомиллаштирилишини ўта долзарб масала сифатида кун тартибига қўйилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, иштирокчилар томонидан амалдаги Конституция мамлакатимизда мустақиллик йилларида эришилган ютуқ ва катта ўзгаришларнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори ва энг асосий кафолати бўлиб келганлиги таъкидланди. Бунини эътироф этган ҳолда Асосий қонунимизни жамиятдаги бугунги реал воқеликка, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидаги улкан марраларга, шиддатли ислохотлар ўзанига мослаштириш бугунги куннинг асосий талаби эканлиги, зеро, кейинги йилларда юртимизда амалга оширилаётган, жамиятимизни тубдан ўзгартираётган

кенг қўламли ислохотлар замирида Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида белгилаб олинган залворли мақсадлар мужассам эканлиги, бу эса мустақил юртимизнинг бугуни ва эртасини ҳал қилувчи жараёнлар даврига кириб келганимизни яққол намоён қилиб турганлиги тўғрисидаги фикрлар билдириб ўтилди.

Президентимиз давлат раҳбари лавозимига киришиш маросимидаги нутқидан ва Конституция кунига бағишланган байрам табригида конституциявий ислохотларни амалга ошириш зарурати борасида муайян фикрларни қайд этиб, бу борада белгиланган энг устувор йўналишларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтганлиги айтиб ўтилди.

Жумладан, Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Х.Исманов, З.Хомидовлар сўзга чиқиб, ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар. Тадбир сўнгида иштирокчиларнинг бош қомусимизга ўзгартириш ва қўшимча киритиш юзасидан таклифлари олинди.

М. ТОХЛИБОВА,
ЎзЛиДеП туман кенгаши раиси.

Таълим

Ўқувчиларга технология фанидан дарс бераман. Ҳар бир фан ўқитувчиси ўзи таълим бераётган йўналишнинг маъқул томонини таъкидлаганидек, бу фаннинг ҳам ўзи хос жиҳатлари кўп.

БИЛИМ ОЛ, ҲУНАР ТАНЛА

Ҳар кун, деярли турмуш тарзимизда технология фани предметларига дуч келамиз-хонтахта атрофида овқатланиш кулай. Шунинг учун ҳам ҳар бир рўзгорда ундан фойдаланилади. Мазали овқат пишириш, фақатгина масаллиққа эмас, ишлатиладиган анжомларга ҳам боғлиқ. Пичоқлар ўткир, маҳсулотлар учун тахтакачлар ихчам, уларни сақлайдиган ошхона жиҳозлари - шкафлар бежирим ва замонавий бўлса - оиладаги қизлар ва оналарнинг иши унади.

Технология фани, дастлаб меҳнат дарси деб аталган. Албатта, мантиқ ўзгаргани йўқ. Бу фанда ўғил болалар дурадгорлик, мебелсозлик, турли ҳил анжомларни ясашда дастлабки кўникмаларни ҳосил қилади. Қизларга бу фан анчайин қизиқ ва фойдали. Чунки - ҳар бир қиз ўзлаштириши керак бўлган тикиш, чоклар ва бичиқ олиш айна шу фанда ўргатилади.

Фанимизни миллий кадр-ятларга боғламасликнинг иложи йўқ. Қадимдан ўзбек миллатимизда келинларга қуроқ ёстиқ ва кўрпачалардан сеп қилиш урф-одат бўлган. Ҳатто қийқимларнинг ҳам зое бўлмаслигининг иложи бор - турли ҳил шаклларда тутқичлар, айрим юмшоқ ўйинчоқларни ясаш мумкин.

Мактабимизда 6-7-синфларда технология фани ойлиги доирасида **"Ораста қизлар"** тадбири ўтказилди. Бу ўқувчиларнинг технология фанидан ўрганган ва билганларини намоиш этишга асос бўлди. Ясалган, тикилган нарсаларнинг кўргазмаси кўпчиликнинг эътиборини тортди. Тадбирда фаол қатнашган ўқувчилар муносиб тақдирландилар.

Ўқувчиларнинг фан доирасидаги билим ва кўникмалари уларнинг ҳаётида асқотишига ишонаман.

Ж. КАРИМОВА,
34-умумтаълим мактаби
ўқитувчиси.

Андижон вилояти Фарғона водийсининг кўплаб дарёлар ва каналлар, сув ҳавзалари билан туташ, сўлим ҳудуддир.

Шу сабабли ёзнинг серқуёш кунларида очиқ сув ҳавзаларида чўмилиш болалар ва катталар учун эҳтиёж омили ҳисобланади. Чунки сув энг кучли ва самарали чиниқтирувчи восита. Сув организмда қон айланишини яхшилайдиган, оксидланиш жараёнларини фаоллаштирадиган, нерв ва мускуллари, елка камарининг бир меъёрида ривожланишига, нафас олиш тизимига яхши таъсир этади. Бу жиҳатларни шакллантириш учун ҳозирги кунда юртимизда бир неча сув спорт саройлари, очиқ сув ўйингоҳлари ташкил этилган.

Чўмилиш-роҳат бўлиши учун, тартиб-қоидаларга риоя қилинг!

ФВБ огоҳлантиради



Аммо, ҳозирда назоратсиз қолган айрим болаларни лойқа, ифлосланган ҳамда чиқиндилар кўп оқади-ган сув ўзанларида чўмилишлари ҳам кузатилмоқда. Бунинг натижасида болаларни чўкишлари кўп кузатилади. Чўмилиш рухсат этилмаган очиқ сув ҳавзалари ва гидроиншоотларда фуқароларни, айниқса ўқувчи болаларни чўмилишига рухсат берилмайди.

Чўкиш – бу нафас олиш органларининг турли суюқликлар, асосан сув билан тўлишига айтилади. Чўкиш оқибатида ҳаётий муҳим органларнинг (нафас олиш, қон айланиш органлари, марказий асаб тизими) функцияси бузилади ва кўпинча ўлим билан тугайди.

Бундай ҳодисаларнинг юз бермаслиги учун авваламбор чўмилиш қоидаларига қатъий риоя

қилиш лозим. Бунинг учун биринчи навбатда об-ҳаво қуёшли ва шомол бўлмаган пайтда, ҳаво ҳарорати +20+25 С°, сув ҳарорати +17+19 С° дан кам бўлмаган шароитда, ота-оналарнинг ва яқинларнинг назоратида фақатгина рухсат этилган сув ҳавзаларида чўмилишларингиз тавсия этилади.

Шунга кўра, ёз мавсумидаги хавфсизлик шиори «Чўмилиш қоидаси – умр фойдаси»га айланса мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Х. АЛЛАБЕРДИЕВ,
туман ФВБ бошлиғи
ўринбосари.
Ж. СИДИҚОВ,
Шаҳрихон тумани ФВБ бошлиғи
ўринбосари.

Хатлов



АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШДАН МАҚСАД...

Мамлакат фуқаролари тўғрисидаги маълумотлар ҳар қандай давлат миллий статистикасининг муҳим қисми саналади. Бундай маълумотлар маълум вақт оралиғида аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари орқали тўпланadi. Улар нафақат республика, балки Ер юзи аҳолисининг сони, ижтимоий ҳолати, даромадлари каби бир қанча муҳим ахборотларни ҳисоблаб боришга хизмат қилади.

БМТ дунё мамлакатларига фуқаролар билан юзага келадиган бир қатор ижтимоий муаммоларнинг ечими ҳамда иқтисодий кўрсаткичларнинг демографик кўрсаткичлар билан мутаносиб равишда ўсиб боришини таъминлаш учун ҳар ўн йилда камида бир марта аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш тавсия этади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўзининг 2015 йилдаги резолюциясига асосан аъзо давлатларга ҳар ўн йилда камида бир марта аҳолини рўйхатга олиш амалиётини ўтказишни тавсия этади.

Хўш, бу бизга нима беради? Биринчи навбатда, республика аҳолиси ва унинг турмуш шароити тўғрисидаги ишончли маълумотлар айнан аҳолини рўйхатга олиш орқали шакллантирилади. Масалан, Фарғонада неча киши ишсиз? Андижонда неча оила уй-жойга муҳтож?

Сирдарёда яна неча таълим муассасаси куриш лозим? Қашқадарёда аҳоли хонадонлари асосан қайси йилларда қурилган? Тошкент шаҳрида аслида қанча киши истиқомат қилади ва ҳоказо.

Ушбу амалиёт мустақиллик йилларида республикада илк бор ўтказилаётганини инобатга олиб, уни ташкил этишга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида 2020 йил 11 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Унга кўра, мамлакатимизда аҳолини рўйхатга олиш 2023 йил 1-25 ноябрь кунлари амалга оширилади.

Шу боис, мамлакатимизда илк бор ўтказилиши кўзда тутилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирига айна пайтда қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

Аҳолини рўйхатга олиш мамлакат ҳудудида миллати, элатидан қатъий назар барча инсонларни бирлаштирадиган умуммиллий тадбир бўлиб, унинг ўтказилишидан барчамиз, сиёсий қарашларимиз ва ижтимоий мавқеимиздан қатъий назар бирдек манфаатдормиз.

М. МАЪҚУЛОВ,
туман статистика бўлими бош мутахассиси.

МЕРОС ТЎҒРИСИДАГИ БИЛДИРУВЛАР

Кўл бўйи МФЙда яшаб, 2021 йил 15 декабрь куни вафот этган марҳум Хатамов Закиржоннинг, Марказ МФЙда яшаб, 2021 йил 17 октябрь куни вафот этган марҳум Ботирова Кариманин, Эски Марказ МФЙда яшаб, 2017 йил 9 декабрь куни вафот этган марҳум Тоштонов Орифжоннинг, Оққўрғон МФЙда яшаб, 2022 йил 3 апрель куни вафот этган марҳум Умирзаков Абдисаломнинг, Авесто МФЙда яшаб, 2021 йил 26 октябрь куни вафот этган марҳум Муродова Зилоланин, Туркистон МФЙда яшаб, 1994 йил 9 февраль куни вафот этган марҳум Эргашев Дадамирзанин меросларини тумандаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус О. Т. Шокировнинг нотариал идорасига (Авесто МФЙда жойлашган) 1 (бир) ой муддат ичида тегишли ҳужжатларини олиб келишлари сўралади.

Гузар МФЙда яшаб, 2021 йил 23 сентябрь куни вафот этган марҳум Мамадалиев Ахмаджоннинг, Ботир МФЙда яшаб, 2021 йил 18 июль куни вафот этган марҳум Рахимов Хасанбойнинг, Гулшан МФЙда яшаб, 1998 йил 21 ноябрь куни вафот этган марҳум Эсонов Абдулхамиднинг, Полвонкўл МФЙда яшаб, 2021 йил 18 ноябрь куни вафот этган марҳум Махмудов Тоштемирнинг, Навнихол МФЙда яшаб, 2007 йил 13 апрель Эргашев Мирзажоннинг, Халфачек МФЙда доимий яшаб, 2020 йил 29 апрель куни вафот этган марҳум Тошпулатов Алишернинг меросларини тумандаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Д. В. Қобулованин нотариал идорасига (Омонариқ МФЙ, Андижон кўчаси)га 1 (бир) ой муддат ичида тегишли ҳужжатларини олиб келишлари сўралади.

Андижон шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 21-уйда яшаб, 1998 йил 29 май куни вафот этган марҳум Каримова Турсунойнинг меросларини тумандаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Узакбаев Икболддин Абдулазизовичнинг нотариал идорасига (Андижон шаҳар, Бобур шоҳ кўчаси, 30а-уй)га 1 (бир) ой муддат ичида тегишли ҳужжатларини олиб келишлари сўралади.

БИЛДИРУВЛАР

Наманган хизмат кўрсатиш ва сервис техникуми томонидан 2011 йилда Имомова Озодахон Ўрмонали қизи номига берилган К №2039684 рақамли йўқолган диплом **БЕКОР ДЕБ ҲИСОБЛАНСИН.**

Балиқчи иқтисодиёт коллежи томонидан 2014 йилда Собиров Азамат Қодиржон ўғли номига берилган К № 3305451 рақамли йўқолган диплом **БЕКОР ДЕБ ҲИСОБЛАНСИН.**

39-умумтаълим мактаби томонидан 2021 йилда Тўрахонова Муштарийбону Бегзодбек қизи номига берилган UM № 0777780 рақамли йўқолган шаҳодатнома **БЕКОР ДЕБ ҲИСОБЛАНСИН.**

6-умумтаълим мактаби томонидан 2005 йилда Турғунов Солижон Тошпўлат ўғли номига берилган O'R-SH № 0276352 рақамли йўқолган шаҳодатнома **БЕКОР ДЕБ ҲИСОБЛАНСИН.**

36-умумтаълим мактаби томонидан 1993 йилда Юсупова (Даминова) Феруза Мамадалимовна номига берилган AY № 012069 рақамли йўқолган аттестат **БЕКОР ДЕБ ҲИСОБЛАНСИН.**

6-умумтаълим мактаби томонидан 2019 йилда Нематов Баркамол Бахтиёр ўғли номига берилган UM № 0030625 рақамли йўқолган аттестат **БЕКОР ДЕБ ҲИСОБЛАНСИН.**

5-умумтаълим мактаби томонидан 2005 йилда Муродов Отабек Иномжонович номига берилган UN № 1238929 рақамли йўқолган шаҳодатнома **БЕКОР ДЕБ ҲИСОБЛАНСИН.**

13-умумтаълим мактаби томонидан 2003 йилда Исақова Санъат Исроиловна номига берилган O'R-G № 0036934 рақамли йўқолган аттестат **БЕКОР ДЕБ ҲИСОБЛАНСИН.**

13-умумтаълим мактаби томонидан 2006 йилда Ахмедова Нилуфар Одилжоновна номига берилган №0859126 рақамли йўқолган аттестат **БЕКОР ДЕБ ҲИСОБЛАНСИН.**

50-ИДУМ томонидан 2020 йили Хусанов Зоҳиджон Зокиржон ўғли номига берилган UM № 8192601 рақамли йўқолган аттестат **БЕКОР ДЕБ ҲИСОБЛАНСИН.**

Балиқчи педагогика коллежи томонидан 2006 йилда Рахмонова Махлиё Исмоиловна номига берилган К № 406459 рақамли йўқолган диплом **БЕКОР ДЕБ ҲИСОБЛАНСИН.**

35-умумтаълим мактаби томонидан Машрабова Муштарийбону Жўрабек қизи номига берилган № 0501717 рақамли йўқолган аттестат **БЕКОР ДЕБ ҲИСОБЛАНСИН.**

Чинобод қурилиш касб-хунар коллежи томонидан 2019 йилда Абдуллаева Мадина Рустамжон қизи номига берилган К №5413994 рақамли йўқолган диплом иловаси **БЕКОР ДЕБ ҲИСОБЛАНСИН.**

Чинобод қурилиш касб-хунар коллежи томонидан 2007 йилда Солиев Адхамжон Авазбекович номига берилган К № 605858 рақамли йўқолган диплом **БЕКОР ДЕБ ҲИСОБЛАНСИН.**

2021-2022 ўқув йилида тумандаги мавжуд 59 та ўрта таълим мактабларининг 1978 нафар ўқувчилар тамомлади. Уларнинг 93 нафари олтин, 51 нафари кумуш медалга тавсия этилди. 40 нафар битирувчилар муддатидан аввал талаба бўлиш имкониятига мушарраф бўлдилар.

Туманимиздаги ҳар бир илм масканида «Хайр, мактабим» тадбирлари ўтказилди. Туман ҳокими Жасурбек Абдурайимов муҳим сана муносабати билан ўзи ўқиган 48-ўрта таълим мактабида бўлиб, «Сўнги кўнғироқ» садолари остида устозлари ва қадрдон мактаблари билан хайрлашаётган битирувчи ўғил-қизларни табриклаб, аъло баҳоларга ўқиган намунали ўқувчиларни эсдалик совғалари билан тақдирлади. Худди шундай тумanning ҳар бир мактабларида «Сўнги кўнғироқ» садолари янгради.

24-умумтаълим мактаби ўқувчилари - битирувчиларида ҳам шундай ҳаяжонли дамлар кечди.

Мактаб директори Бобуржон Қосимов битирувчиларни мустақил ҳаётга қадам қўйишлари билан қутлади. Ҳар бир билим даргоҳида Президентимизнинг мамлакатимиз мактабларини битирувчи ўғил-қизларига йўллаган табриғи ўқиб эшитирилди. Давлатимиз раҳбарининг дил сўзлари битилган табрикни ҳар бир ёш катта ҳаяжон ва мамнуният билан қабул қилдилар.

«Сўнги кўнғироқ» садолари

Хайр, мактаб



КЎНҒИРОҒИМ, ЖАРАНГЛАГИН ЖЎШҚИНОҚ!



остида навбатдаги ўқув йили ўз ниҳоясига етди.

Битирувчи ўқувчилардан турли танловлар ва спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этган аъло баҳоларга ўқиган намунали хулққа эга бўлган ёшлар мактаб

директорлари томонидан фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Жавлонбек ШУКУРОВ,
24-умумтаълим мактаби маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари.

Фахр

ПАҲЛАВОН ИСМИ-ЖИСМИГА МУНОСИБ БЎЛДИ



Ўғил болаларни кичиклигидан полвон бола, ботир ўғлим, деб эркалишти миллатимизга хос. Албатта, ўғил боланинг келажиги - унинг баркамол ва бақувват, маънавиятли бўлиб ўсишига боғлиқ.

Пахлавон Набиевга ҳам исм қўйганида ота-онаси - унинг келажакда спортчи бўлишига умид қилишгани рост. Чунки у мактаб давридаёқ спорт билан ошно бўлди. Тенгдошлари спортни эрмак билганида ҳам у бу соҳанинг асл эгасига айланган, ҳар бир соати, куни машғулотлар билан банд бўларди.

Пахлавон туман, вилоят мусобақаларида қатнашиб, ўзини тоблаб, республика миқёсидаги мусобақаларда ҳам дадил қатнашиб, устозларининг юзини ёруғ қилганида, кўнгли бунданда баланд орзуларни кўзлагани рост. Амал ниятга боғлиқ, дегани шуда. Балиқчилик муҳлислари олқишидан қалби фахрга тўлган Пахлавон Набиев бугун-вилоятнинг, республиканинг фахрига айланди.

Бу йил Бухоро шаҳри илк бор Қўл жанги бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасида Жаҳон чемпионатида

мезбонлик қилди. Дунё биринчилиги учун 30 га яқин мамлакатдан 400 нафарга яқин спортчилар иштирок этишди. Ўсмирлар 9 та вазн тоифасида, ёшлар эса 8 та вазн тоифасида ғолиблик учун олиб борилган баҳсда андижонлик спортчилар ҳам иштирок этишди. Андижонликларга 2 та олтин, 2 та кумуш, 5 та бронза медалини қўлга киритиш насиб этди. Энг муҳими ва қувончлиси балиқчилик Пахлавон Набиев жаҳон чемпионатида 14 - 15 ёшли ўсмирлар ўртасида 44 килограмм вазн тоифасида жаҳон чемпиони

унвонига сазовор бўлди.

Жаҳон чемпиони Пахлавон Набиевни туман ҳокими Жасурбек Абдурайимов, туман прокурори Дилмуҳаммад Жўраев ва туман дошларимиз тантанали равишда кутиб олишди. Пахлавонга вилоят ҳокимининг қимматбаҳо совғаларини топширишди.

Ўз исмига муносиб Пахлавонни барча қўлаб, унга ҳавас қилишларини айтишди.

Гулмира АСҚАРОВА,
7-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.

ҚАЛБИНГИЗДА ҚУЁШ УЙҒОНСИН

Битта сайёрада ҳаёт кечириб, ана шундай хўрликлар ва аламларни бошдан кечириётганлар ҳақида ўйласанг юрагинга кўрқинч оралайди. Бундай бало-қазолардан бизни узоқроқ қил, дейсан беихтиёр.

Шукурки, биз тараққиёт сари дадил қадам ташлаётган, фарзандларини севиб, уларни соғлом ва дуркун этиб тарбиялаётган очиқ қалб, кенгфеъл, меҳри дарё юрда яшамоқдамиз. Биздаги ҳаёт манзаралари худди эртақларда тасвирланадиган ложувард осмон, мевалари бол каби ширин, дарёларидан шарбат оқаётган Беҳишт боғларига ўхшайди гўё. Бир болага етти маҳалла ота-она. Яъни болаларнинг бегонаси йўқ. Бир сўз билан айтганда, шундай ширин онгу шууримизга сингиб кетган. Яъни «Хамма яхши нарсалар - болаларга». Беихтиёр болалик чоғларингни эслайсан. Беғубор, бахтли онларингга қайтгинг келади киши.

Бахтли болалик сурури, завқи ва гаштини сураётган болажонлар! Юксак тафаккур ва кенг дунёқараш соҳиблари, аввало, шуқроналик билан бундай дорилар кунларнинг қадрига етинг. Қалбингизда қуёш уйғонсин, унинг нурлари юракларга меҳр оловини, тафтини ёқсин.

Барчангизга байрам муборак бўлсин!

Гулчеҳра ҲАКИМОВА.

G'ALABA
ИНТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА

МУАССИС:
БАЛИҚЧИ ТУМАНИ
ҲОКИМЛИГИ

Мухаррир:
Шаҳзода
КАРИМОВА

Газета
«Заковат» нашриёт уйи
МЧЖ босмахонасида
чоп этилди.
Қоғоз бичими - А3
Адади: 850
Сотувда эркин нархда

МАНЗИЛИМИЗ:
Балиқчи шаҳарчаси,
М.Султонов кўчаси, 2-уй



Телефон:
323-10-39

Газета Андижон вилояти
матбуот ва ахборот
бошқармасида 2006 йил
26 декабрда 04-017 -
тартиб рақами билан
рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи:
170300 ISSN 2010-5746

Босмахона манзили:
Косонсой шаҳри,
Чорбоғ кўчаси, 17-уй.
Газета сифати учун
«Заковат» нашриёт
уйи МЧЖ
босмахонаси
жавоб беради.

Нашрга масъул:
Бахтинисо
ЭГАМҚУЛОВА

Газета таҳририят компью-
тер марказида терилди
ва саҳифаланди.

САҲИФАЛОВЧИ:
Шоҳсанам МУРОДОВА

Босишга топшириш вақти: 17:00
Топширилди: 16:00 Буюртма:

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят масъул. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилоти жавобгар.